

АТ «Алоқабанк»

Кузатув кенгаши йиғилишининг

2021 йил 25 ноябрдаги

—сонли баённомасига

\_\_\_\_\_ - илова

**АТ «АЛОҚАБАНК»**

**фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича**

**2022 ЙИЛ УЧУН**

**БИЗНЕС - РЕЖАСИ**

Тошкент – 2021 й.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I. ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ .....</b>	<b>4</b>
1. Республикадаги макроиқтисодий тенденциялар.....	4
2. Банк тизими ҳолати таҳлили.....	7
3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий ҳолати .....	7
<b>II. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....</b>	<b>10</b>
1. Банк инфратузилмасини ривожлантириш .....	10
2. Мижозлар базаси.....	10
3. Банк активлари ва капитали .....	11
4. Корпоратив мижозларни кредитлаш фаолияти.....	12
5. Мижозларга нокредит маҳсулотларини сотиш фаолияти.....	13
6. Чакана кредитлаш фаолияти.....	14
7. Чакана нокредит маҳсулотларини сотиш фаолияти.....	14
8. Халқаро иқтисодий муносабатлар.....	15
9. Ғазначилик фаолияти.....	16
10. Рақамли банк хизматларини кенгайтириш .....	17
11. Банк рискларини бошқариш.....	18
12. Ходимлар билан ишлаш .....	18
<b>III. МОЛИЯВИЙ КҮРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА) .....</b>	<b>20</b>
<b>IV. БИЗНЕС-РЕЖАНИ АМАЛГА ОШИРИШ .....</b>	<b>20</b>

## **ИЛОВАЛАР**

1. АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил учун асосий кўрсаткичлари режаси
2. АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил учун асосий кўрсаткичларининг чораклар кесимидағи режаси

## КИРИШ

«АТ «Алоқабанк» фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича 2022 йил бизнес режа»си (бундан буён матнда «Бизнес-режа» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини испоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарори, шунингдек, АТ «Алоқабанк» (бундан буён матнда «Банк» деб юритилади) Устави ва ички меъёрий хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур бизнес-режа иқтисодиёт тармоқларидағи ўзгаришлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати ва инфляцион таргетлаш бўйича кутилмалар, Банк стратегияси ва асосий ривожланиш йўналишларидан келиб чиқкан ҳолда 2022 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни ўзида акс эттирадиган молиявий режа ҳисобланади.

Бизнес-режанинг асосий вазифаси Банк акциядорлари ва Кузатув кенгashi томонидан Банк олдига қўйилган тактик ва истиқболли мўлжалланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда Банк мижозларига қулай, жозибадор ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш юзасидан ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилаш, мақсадли кўрсаткичларни аниқлаштириш ҳисобланади.

Банкнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режаси қуидаги асосий йўналишларни ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилди:

- Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;
- Банк хизматлари сифатини ва қўламини кенгайтириш;
- Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш;
- Кадрлар салоҳиятини ошириш.

Маълумки, глобал миқёсда давом этаётган коронавирус пандемияси халқаро ва миллий иқтисодиётда инқирозли ҳолатларни келтириб чиқарди. Бу эса, тижорат банклари ва мижозлари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олишга қаратилган чораларни белгилашни тақозо қиласди. Мазкур Бизнес-режада келгуси йил давомида пандемиянинг Банк фаолиятига эҳтимолий таъсири оптимистик ёндашув асосида баҳоланди.

Банк томонидан халқаро «Moody's» рейтинг компаниясининг барқарор рейтинг баҳоларини олишга мунтазам равишда эришиб келинмоқда. Жумладан, «Moody's» рейтинг компанияси 2021 йилнинг июль ойида Банк рейтингини бир поғонага ошириб:

- миллий валютадаги депозитлар бўйича – B1/NP;
- хорижий валютадаги депозитлар бўйича – B1/NP;
- барча рейтинглар бўйича – «Ижобий» баҳосини берди.

Шу билан бирга «Ахбор-рейтинг» миллий рейтинг компанияси томонидан «uzA+» (Юқори) кредитга лаёқатлилик рейтинги «Барқарор» баҳоси берилди.

Банк ишончли ва молиявий барқарор, мижозга йўналтирилган сифатли банк хизматларини кўрсатувчи молиявий институт сифатида фаолиятини амалга оширади.

## I. ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ

### 1. Республикадаги макроиқтисодий тенденциялар

Дунё иқтисодиёти Covid-19 пандемияси натижасида юзага келган инқирознинг салбий таъсирини бошдан кечирмоқда. Шу сабабли дунёдаги аксарият мамлакатларда иқтисодий пасайиш юз бериб, иқтисодиёт реал сектори корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли молиявий ҳолатига салбий таъсирини юзага келтирди. Мамлакатимизнинг 2021 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва пухта ўйланган макроиқтисодий ҳамда фаол таркибий сиёsatнинг давом эттирилиши жорий йилнинг тўқиз ойида мамлакатимизда минимал ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

#### **Халқаро молия ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси реал ЯИМ ўсиши бўйича прогноз кўрсаткичлари**

Халқаро молия ташкилотлар	2021 йил учун		2022 йил учун	
	дастлабки	якуний	дастлабки	якуний
Жаҳон банки	4,8%	6,1%	5,3%	5,4%
Халқаро валюта фонди	4,8%	6,2%	5,5%	5,6%
ЕТТБ	4,5%	5,6%	5,5%	6,0%
ОТБ	4,0%	5,0%	5,0%	5,5%


Халқаро молия ташкилотлари томонидан берилган таҳлилий прогнозларга кўра Ўзбекистон Республикаси реал ЯИМнинг ўсиш суръатлари ижобий ҳисобланниб, 2021 йил учун якуний хулосасида ўртacha 5,7 фоизга ўсиши қайд этилган. Ушбу ташкилотлар 2022 йил якуни бўйича Ўзбекистонда реал ЯИМнинг ўртacha ўсиши 5,6 фоизни ташкил этишини прогноз қилмоқда.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётининг тез тикланиши ва барқарор ривожланишидан далолат беради. Ўзбекистонда иқтисодий фаоллик сезиларли даражада ошиши, халқаро молия ташкилотлари томонидан берилган прогноз кўрсаткичларидан юқори бажарилишини таъминламоқда.

Шунингдек, тижорат банклари инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш ЯИМ ўсишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг сўнгги 3 йилдаги ўзгариш тенденциясидан кўриш мумкинки, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан иқтисодиёт барча тармоқларида ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кузатилган. 2020 йил 3-чорақда саноат ишлаб чиқариш қисқарган. Аммо, 2021 йил 3-чорақда барча тармоқларда ўсиш кузатилган, айниқса хизматлар кўрсатиш соҳасида 119,5 фоизга ўсиш кузатилгани ижобий ҳолат ҳисобланади.

**Иқтисодий ўсиш күрсаткичлари тармоқлар кесимида**  
 (чорак якунлари бўйича фоиз ҳисобида)



2021 йилнинг 3-чорак якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,9 фоизни ташкил этган. Шундан, саноат ишлаб чиқариш 9 фоизга, хизмат кўрсатиш 19,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 4,2 фоизга ва қурилиш ишлари 4,5 фоизга ўсади.

Умуман олганда сўнгги 3 йил давомида давлат томонидан иқтисодиётни рағбатлантирилиши натижасида иқтисодий фаоллик таъминланган, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсишига эришилган.

**Республика бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар сони**  
 (таҳлил даврининг 1 ноябр ҳолатига)




Республикамиз бўйича фаолият юритаётган корхоналар сони сўнгги 5 йил мобайнида ўшиш тенденциясига эга бўлган. Бу ЯИМ ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлиги ҳамда пул айланмалари нуқтаи-назардан ижобий ҳолат ҳисобланади.

## Ўзбекистон Республикасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва чакана савдо айланмаси ҳажми ўзгариши

(чорак якунлари бўйича фоиз ҳисобида)


**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши**

**Чакана савдо айланмаси ҳажми динамикаси**



2021 йилнинг 9 ойида иқтисодиётда истеъмол талаби ҳажмининг ўсиб бориши истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда чакана савдо айланмасини ўтган йилнинг шу даврига мос равишда 10,9 фоиз ва 9,8 фоизга ошишига олиб келди.

### Банк тизимида жисмоний ва юридик шахсларга миллий валютада ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкалар ўзгариши (%)



Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалар сўнгги 3 йил мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан жисмоний ва юридик шахсларга миллий валютада ажратилган кредитлари бўйича ўшиш кузатилган.

Бундан ташқари, 2021 йилнинг 31 октябр ҳолатига кўра, республика бўйича жами алоқа ва ахборот соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 11 040 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19,8 фоизга ошган.

2021 йил 9 ойи давомида алоқа ва ахборот соҳасида 2 180 та корхоналар янги ташкил этилиб 2 161 таси кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келган.

## 2. Банк тизими ҳолати таҳлили

2021 йил 1 октябр ҳолатига тижорат банкларининг жами активлари **408,5** трлн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (**333,4** трлн.сўм) **22,5 %** ёки **75,1 трлн.сўмга** ўсди. Банк тизими бўйича тижорат банклари капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9,1 трлн. сўм** ёки **16,2 фоизга** ўсиб, **65,6 трлн.** сўмни ташкил этди. Банк мажбуриятлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **65,9 трлн. сўм** ёки **23,8 фоизга** ўсиб, **342,9 трлн. сўмни** ташкил этди.



Бутун дунёда давом этиётган инқирозли иқтисодий вазиятга қарамасдан мамлакатимиз иқтисодиёти ва банк тизимида нисбатан ўсиш кузатилмоқда.

Хусусан, ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар қолдиги ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **50,9 трлн. сўм** ёки **19,5 фоизга** ошиб, 2021 йилнинг 1 октябр ҳолатига **311,6 трлн. сўмни** ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, бутун дунёда юз берган эпидемиологик танглик ва унинг натижасида жорий этилган карантин чекловлари иқтисодиётнинг реал секторидаги фаоллик пасайиши билан банк мижозлари молиявий ҳолатига ва бу орқали албатта, банк тизимиға ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. 2020 йил сентябр ойида Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 14 фоизга пасайтирилиши, иқтисодий ўсиш ва инфляцияни жиловлаш бўйича ижобий кутилмалар банк тизими барқарорлигини таъминлаш жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Иқтисодиётда банқдан ташқари айланмалар миқдорини камайтириш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида, банкларнинг жами депозитлари миқдори **134,4 трлн. сўмни** ташкил этиб, шундан юридик шахсларнинг депозитлари **101,5 трлн. сўмни** ва жисмоний шахсларнинг депозитлари қолдиги **32,9 трлн. сўмни** ташкил этди.

## 3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий ҳолати

Банк 2021 йил 9 ойлик фаолияти якунлари бўйича иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши таъминланди ҳамда рақобатбардошлигини оширишга эришилди. Банк активлари ўтган йилнинг мос даврида нисбатан **24,6** фоиз, хусусий капитали **11,2** фоиз, даромадлари **17,1** фоизга ошди.

## Банкнинг банк бозоридаги ўрни

№	Кўрсаткич	01.10.2020		01.10.2021	
		Сумма (млрд. сўм)	Бозордаги ўрни	Сумма (млрд. сўм)	Бозордаги ўрни
1.	Активлар	8 056,9	10-ўрин	10 041,4	12-ўрин
2.	Кредит портфели	5 572,3	11-ўрин	6 518,4	12-ўрин
3.	Хусусий капитал	1499,0	9-ўрин	1 667,0	11-ўрин
4.	Даромадлар	1 055,9	9-ўрин	1236,9	12-ўрин
5.	Соф фойда	100,1	12-ўрин	99,9	13-ўрин

Банкни стратегик ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида банк хизматлари тармоғини кенгайтириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Банк мижозларга **14** та ҳудудий таркибий бўлинма, **74** та комплекс хизматлар кўрсатиш марказлари, **157** та банкомат, **112** та инфокиоск, **13 584** та терминал, **11 905** та «EPOS» терминал ва «Zoomrad» мобил иловаси, Интернет-банкинг, «Aloqabusiness» мобил иловаси, Call-центр ва Банк веб-сайти каби каналлар орқали ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Ўтган давомида банк даромадлилиги ва молиявий барқарорлигининг узвийлигига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, банк даромадлилиги ва ликвидлилигига ижобий таъсир кўрсатувчи молиявий инструментлардан фаол тарзда фойдаланилди.

2021 йил 1 октябр ҳолатига Банкнинг хусусий капитали **1 667,0** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 499,0** млрд. сўм) нисбатан **168** млрд. сўм ёки **11,2** фоизга ошди.

Ҳисобот даврида Банк томонидан активларни барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилишига, шу орқали банк активлари ва мажбуриятларини муддат жиҳатдан мувофиқлаштиришга асосий ургу берилди. Натижада банк балансида барқарор ва узоқ муддатли ресурслар, яъни жалб қилинган узоқ муддатли кредитлар ва хорижий кредит линиялари 2021 йил 1 октябр ҳолатига **1 915,0** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**657,0** млрд сўм) нисбатан **1 258,0** млрд. сўмга ёки **91,5** фоизга ўсишига эришилди.

2021 йил 1 октябр ҳолатига Банкнинг жами мажбуриятлари **8 374,4** млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига (**6 557,5** млрд. сўм) нисбатан **1 816,9** млрд. сўм ёки **27,7** фоизга ўсади.

2021 йил 1 октябр ҳолатига кредит портфели **6 518,4** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**5 572,3** млрд. сўм) нисбатан **946,1** млрд. сўм ёки **17,0** фоизга ошди.

Кредит портфелининг таркибида:

- Юридик шахсларга миллий валютада ажратилган кредитлар **2 919,0** млрд. сўмни ёки банк кредит портфелининг **44,8** фоизини ташкил қилди;

- Хорижий валютада ажратилган кредитлар **2 502,0 млрд.** сүмни ёки банк кредит портфелининг **38,4 фоизини** ташкил қилди;

- Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар **1 097,4 млрд.** сүмни ёки банк кредит портфелининг **16,8 фоизини** ташкил этди.

2021 йил 9 ой якунлари бўйича олинган банк даромадлари **1 236,9 млрд.** сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 055,9 млрд. сўм**) нисбатан **181** млрд. сўмга ошиб, ўсиш **117,1** фоизни ташкил этди.

2021 йил 1 октябр ҳолатига Банк харажатлари **1 137,0** млрд. сўмни ташкил этиб, **99,9** млрд. сўм миқдорида соф фойда олинди.

Банкнинг 2021 йил 1 октябр ҳолатига иқтисодий меъёрлар бўйича белгиланган талаблар бажарилган ва уни қуидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

№	Иқтисодий меъёрлар	Меъёр, %	Бажарилиши, %
1.	1-даражали капитал етарлилиги коэффициенти	10,0%	12,4%
2.	Капитал етарлилиги коэффициенти	13,0%	14,1%
3.	Ликвиддилликни қоплаш коэффициенти	100,0%	131,8%
4.	Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти	100,0%	108,7%

Банкнинг капитал етарлилик кўрсаткичлари 2021 йил 1 октябр ҳолатига Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар бажарилган. Шунингдек Банкнинг ликвиддиллик коэффициентлари ўрнатилган меъёр талаблари бажарилган.

## **II. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **1. Банк инфратузилмасини ривожлантириш**

2021 йилда Банк Ўзбекистон Республикаси банк тизимида биринчи бўлиб бутун республика бўйича ягона баланс (МФО)га ўтди. Бунинг натижасида банк мижозларига Банкнинг барча хизмат кўрсатиш оғислари орқали хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. 2022 йилда мижозлар учун яратилган ушбу қулайлиқдан унумли фойдаланган ҳолда барча хизмат кўрсатиш оғисларида тезкор ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш орқали мижоз базасини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

2021 йилда Банкнинг таркибий тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, янада оптималлаштирилди. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини ошириш мақсадида Банк бўлинмалари кенгайтирилди. Республикаизнинг барча ҳудудларида банк хизматларини кўрсатиш марказлари (сотиш каналлари) модернизация қилиниб, замон талабларига мос равишда техник жиҳозланди ва кенгайтирилди. Республика ҳудудларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулай ва сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

2022 йилда Банкнинг хизмат кўрсатиш тармоғини тижорат асосида, хусусан Ҳудудий комплекс хизматлар кўрсатиш марказлар (бундан буён матнда «ҲҚҲКМ» деб юритилади) ва Комплекс хизматлар кўрсатиш марказлари (бундан буён матнда «ҚҲКМ» деб юритилади) жойлашган ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда кенгайтириш ҳамда доимий мувофиқлаштириб бориш режалаштирилган.

Банкнинг чакана бизнес учун янги йўналиш – маҳсулотларни агентлик шартномаси асосида ҳамкор ташкилотлар орқали сотиш амалиёти жорий этилмоқда.

2022 йилда Банкнинг онлайн каналлар орқали банк хизматлари сотув ҳажмини рақамли банк хизматларини кенгайтириш ва онлайн экотизимни жорий қилиш эвазига ошириш режалаштирилган.

### **2. Мижозлар базаси**

Банк хизматларини кўрсатишда мижозга йўналтирилганлик даражасини ошириш ва мижозларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларга сифатли, қулай банк хизматлари ва маҳсулотларини таклиф этиш 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий стратегик йўналиш сифатида белгиланди. Бундан ташқари, банк маҳсулот ва хизматларини мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларидан ҳамда уларнинг жисмоний, иқтисодий ва ҳудудий жойлашув имкониятларидан келиб чиқиб таклиф этиш тизими жорий этиллади.

Банк томонидан замонавий ахборот технологиялари ва инновациялардан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатишнинг ягона стандартини жорий қилиш, банк хизматлар кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш(инсон омилини камайтириш), янги хизмат турларини жорий қилиш орқали мижозларга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга эришиш Банкнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинди. 2022 йилда Банк томонидан:

- банк хизматлар кўрсатиши автоматлаштириш орқали мижозларнинг банкка ташрифини камайтириш, банк хизматларини оммаболлигини ошириш ва очиқлилигини таъминлаш ҳамда ҳудудларда хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш;

- янги хизмат турларини, хусусан модулли банк маҳсулотларини, онлайн хизматлар кўламини кенгайтириш, пировардида амалда мавжуд мижозларни сақлаб қолиш ва янги мижозларни жалб қилиш;

- юридик ва жисмоний мижозларнинг барча эҳтиёж ва талабларини Банкнинг маҳсус платформасида амалга ошириш имконини яратадиган экотизим жорий қилиш орқали мижознинг барча молиявий, транзакциявий, турмуш тарзидаги истеъмолини бир тизимга бирлаштириш натижасида мижозлар генерациясини жорий қилиш;

- банк хизмати ёки маҳсулотларидан фойдаланган мижозларга, қўшимча хизмат ва маҳсулотлар таклиф қилиш амалиётини (кросс-сотув) жорий қилиш орқали мижозларга Банкнинг молиявий ва номолиявий хизматлари сотув ҳажмини ошириш белгиланди.

**Банкнинг мижозлар базасини ошириш ва самарали бошқариш, улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида қўйидагилар амалга оширилади:**

- мижозларнинг банк хизматларидан қониқиши даражасини доимий кузатиб бориш ва банк маҳсулотлари истеъмолида салмоқли ўрин тутувчи мижозлар сегменти билан ишлашнинг имтиёзли тартиби амалиётга жорий этилади;

- Банкнинг барча хизмат кўрсатиши марказларида автоматлаштирилган электрон қурилмаларни (электрон навбат, маълумотлар ва интерактив хизматлар кўрсатиши ойнаси ва ҳ.к.) кенг жорий этиш;

- мижозларнинг ягона базасини шакллантирган ҳолда улар билан муносабатларни тизимлаштириш мақсадида CRM дастурини жорий этиш;

- мижозларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатиши кенг жорий этиш ҳамда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш;

- истеъмолчини қаноатлантириш индекси (CSI) ҳамда истеъмолчининг содиқлик индекси (NPS) асосида банк хизматлари сифатини баҳолаш тизимини жорий қилиш;

- Банк фаолиятининг даромадлилигини ҳисобга олган ҳолда банк хизматлари жозибадорлигини ошириш, янги мижозларни жалб этиш мақсадида тариф сиёсатини мақбуллаштириш;

- ISO 9001:2015 стандарти талаблари асосида банк хизматлари сифатини назорат қилиш ва мижозларга хизмат кўрсатиши сифатини баҳолашни жорий этиш.

### **3. Банк активлари ва капитали**

2022 йилда Банк жами активларини – **15 700,0** млрд. сўмга етказиш режалаштирилиб, жами активлар таркибида фоизли даромад келтирувчи активлар салмоғини ва сифатини ошириш кўзда тутилди.

Банк капиталининг етарли даражада ўсишини таъминлаш орқали капитал монандлигига қўйилган талабларга риоя қилиш мақсадида режалаштирилаётган

йилда олинадиган соф фойда ва 800 млрд. сүм акцияларни эмиссия қилиш ҳисобига Банк хусусий капиталини 2022 йил якунида **2 634,7** млрд. сүмга етказиш кўзда тутилди.

Банкнинг капиталлашув даражасини 2022 йилда камидা **58,0** фоиз миқдорида ошириш режалаштирилди.

#### **4. Корпоратив мижозларни кредитлаш фаолияти**

2022 йилда Банкнинг мавжуд таркибий бўлинмалари ҳамда КХКМлари фаолиятини янада самарали ташкил қилиш орқали Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотлар томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириладиган маҳсулотларишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган.

Бунда, асосий эътибор, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини, шунингдек, уларга жозибадор банк хизматлари ва маҳсулотлари тўғрисида маълумотларни етказиш ҳамда мижозларни мавжуд муаммоларини тизимли ҳал этиш йўли билан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳамда модернизация қилиш билан бирга, уларнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжлари ҳам қондириб борилади.

Банкнинг ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлари ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектларга 2022 йил мобайнида **4 450,0** млрд. сүм миқдорида кредитлар ажратилишини, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар қолдигини 2022 йил якунига қадар **8 000,0** млрд. сүмга етказиш белгиланди.

Бунда, кредит маблағлари инвестиция ва ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда мавжуд корхоналарнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини молиявий қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Банкнинг янги ташкилий тузилмасига асосан, **андеррайтерлар** фаолияти ташкил қилиниб, уларнинг ваколат даражалари ҳамда функционал вазифалари аниқ белгилаб берилади.

**Андеррайтерлар** ўз ваколатлари доирасида ортиқча расмиятчиликлариз ҳамда Бош банк ёки кредит комиссияларининг аралашувисиз кредит ажратиш юзасидан мустақил қарор қабул қиласидилар.

Янги жорий қилинган автоматлаштирилган банк тизими ёрдамида амалга ошириладиган скоринг ва рейтинг натижаларидан келиб чиқсан ҳолда модулли кредитларни ажратиш жараёнида нафақат кредит комиссиялари, балки андеррайтерлар аралашуви ҳам талаб қилинмайди.

Мижозларга масофавий банк хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш мақсадида, «Aloqabusiness» мобил иловаси орқали юридик шахсларга модулли кредитларни («Онлайн микрокредит», «Онлайн автокредит», «Онлайн айланма маблағ») амалиётга жорий қилиш кўзда тутилган.

Банкнинг барча ҳудудий таркибий бўлинмаларида ташкил қилинган «риск-менежерлар» фаолиятининг самарадорлигини мунтазам равишда ошириб бориш юзасидан зарурый чоралар кўрилади.

Банк активларининг барқарор ўсиб бориши билан бирга уларнинг сифатини доимий равишда юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида қуидагилар режалаштирилмоқда:

- кредит портфели сифатини сақлаган ҳолда инвестицион лойиҳаларни кредитлаш ҳажмини мақсадли ошириб бориш;
- юқори самарали, яъни ЯИМнинг ўсишини таъминловчи, доимий иш жойларини яратувчи, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи, энергия тежамкор, аниқ таргетланган бозорга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи лойиҳаларни аниқлаш бўйича мукаммал тизим яратиш;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда халқаро молия институтлари ва хорижий банклардан жалб қилинадиган кредит линиялари ва бошқа молиялаштириш инструментларидан фаол фойдаланиш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни фаол молиялаштириш.

## 5. Мижозларга нокредит маҳсулотларини сотиш фаолияти

Банк томонидан 2022 йилда корпоратив ва кичик бизнес субъектларига нокредит маҳсулотларини сотишнинг асосий йўналишлари сифатида қуидагилар белгилаб олинди:

- юридик шахслар ва якка тартиbdаги тадбиркорларга сифатли ҳисоб-китоб касса хизматлари кўrsatiш;
- корпоратив mijozlar ва кичик бизнес субъектлари учун миллий ва хорижий валютада жозибадор депозит маҳсулотларини ишлаб чиқиш;
- mijozlarga ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ сифатли банк хизматларини кўrsatiш;
- электрон тижорат йўналишидаги ва масофавий банк хизматларининг оммаболлигини ошириш.

2022 йилда Банкнинг мавжуд таркибий бўлинмалари ҳамда КХКМлари фаолиятини янада самарали ташкил қилиш орқали **8 000 га** яқин янги mijozlar (юридик шахслар ва якка тартиbdаги тадбиркорлар) жалб қилиниши режалаштирилган.

Банк mijozlariiga жозибадор депозит турларини таклиф этиш, хусусан «Aloqabusiness» мобил иловаси орқали онлайн депозитларни жалб қилишни жорий этиш белгиланган. Банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ошириш мақсадида юридик mijozlarдан 6,4 трлн. сўм маблағларни, шундан 4,9 трлн.сўм муддатли депозитларни жалб қилиш режалаштирилган.

Корпоратив ва кичик бизнес субъектларига нокредит маҳсулотларини сотиш йўналишида (mijozlarning ҳисобрақам айланмасидан воситачилик ҳақи, «СМС-банкинг», «банк-мижоз дастури», корпоратив картага пул ўтказиш, аккредитив, халқаро тўловлар ва конвертация хизматларини кўrsatiшдан) 2022 йил давомида жами **74,1** млрд. сўм фоизсиз даромад олиниши кўзда тутилган.

## **6. Чакана кредитлаш фаолияти**

2022 йилда Банк тармоқлари сонининг ортиши, Банкнинг хизмат кўрсатиш географиясининг сезиларли даражада кенгайиши ҳисобига молиявий йил давомида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғини **1 700** млрд. сўмга етказиши белгиланди.

Чакана бизнес фаолиятини ривожлантириш учун Банк томонидан қуидаги ишлар амалга оширилади:

- жисмоний шахслар учун қулай бўлган янги турдаги кредит маҳсулотларини яратиш;
- Банкнинг «Zoomrad» мобил иловаси орқали мижозларга онлайн кредитлар ажратиш кўламини кенгайтириш;
- кредит карталарини чиқариш орқали янги кредит турларини жорий қилиш;
- кредит маҳсулотларини сотиш каналларини кўпайтириш орқали кредит портфелини ва мижозлар базасини кенгайтириш;
- аҳолининг майший ва бошқа турдаги эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун жозибадор шартлардаги истеъмол кредитлари ажратишни янада кенгайтириш;
- аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида уй-жой сотиб олиш ва якка тартиbdаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) учун қулай шартларда ипотека кредитлари ажратиш кўламини янада кенгайтириш;
- жисмоний шахсларга кредит ажратилишида автоматлаштирилган скоринг тизимидан фойдаланган ҳолда, мижозларнинг даромадлари, кредит тарихи, ажратиладиган кредит суммаси ва муддатидан келиб чиқиб кредит баҳосини шакллантиришни амалиётга жорий этиш.

## **7. Чакана нокредит маҳсулотларини сотиш фаолияти**

Банк хизматлари истеъмолчиларига янада кенг қулайликлар яратиш, молиявий хизматлар жозибадорлигини ошириш ҳамда оммабоплигини кенгайтириш мақсадида 2022 йилда Банк томонидан қуидаги ишлар амалга оширилади:

- мижозларга қулай ва фойдали янги турдаги омонатларни, хусусан мобил илова орқали чет эл валютасида онлайн омонат жорий этиш;
- омонатларни расмийлаштиришда омонат дафтарча ва шахсий ҳисобварақ очишдан воз кечиш ҳамда мижозларга мобил илова орқали ўзининг барча онлайн ва ҲҚҲКМ ёки КҲКМлар орқали очилган омонатларини назорат қилиш ҳамда уларни бошқариш амалиётларини жорий қилиш;
- мижозлар «Zoomrad» мобил иловаси орқали ўз омонатлари ва унга ҳисобланадиган фоизлар айланмасини кузатиб бориш учун қўшимча мониторинг функциялар киритиш;
- «Zoomrad» мобил иловаси орқали мижоз ўз ҳисобварақлари айланмаси бўйича кўчирмаларни электрон олиш имкониятини яратиш;
- амалдаги халқаро пул ўтказмаларни амалга оширувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, мижозлар учун қулай банк хизмат турларини таклиф этиш;
- халқаро пул ўтказмаларни амалга оширувчи ташкилотлар билан хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, фаолият даромадлилигини ошириш, иш жараёнидаги

барча амалиётларни түлиқ интеграциялашган тизимда олиб боришни амалга ошириш;

- халқаро пул ўтказмаларни амалга оширувчи янги ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш;
- пул ўтказма амалиётларини масофадан онлайн тарзда банк мобил иловаси орқали амалга оширишни кенгайтириш;
- 2022 йилда пул ўтказмалар бўйича амалиётлар ҳажмини **400 млн. АҚШ доллари** ва ундан олинадиган даромадни **12.8 млрд.сўмга** етказиш (2021 йилга нисбатан 130% га ўсиш суръатини ошириш);
- 2022 йил давомида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари айланмаси ҳажмини **273,9 млн. АҚШ долларига** етказиш;
- 2022 молиявий йил давомида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари айланмасидан олинадиган даромад ҳажмини **8,8 трлн. сўмга** етказиш;
- валюта айирбошлаш операцияларнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда мижозларга 24/7 режимида хизмат кўрсатиш мақсадида мавжуд автовашларни техник кўриқдан ўтказиш ва тўлиқ ишлашини таъминлаш ҳамда автоваш мавжуд бўлмаган худудларда янги автовашлар сонини ошириш;
- универсал кассалар орқали комунал тўловлар ва бир марталик тўловлар ҳажмини ошириш ва ундан олинадиган даромадлар ҳажмини **8 млрд.сўмга** етказиш.

## 8. Халқаро иқтисодий муносабатлар

2022 йилда мижозларнинг халқаро иқтисодий фаолиятига доир операциялари бўйича Банкнинг худудий хизмат кўрсатиш марказларида сифатли хизмат кўрсатиши ташкил этиш ҳамда ташқи савдо билан боғлиқ операциялари ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит ва савдони молиялаштириш линиялари кўламини ошириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Банк томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни 2022 йилда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

- ташқи савдо билан боғлиқ операцияларда рискларни камайтириш имконини берувчи тўлов усувларидан фойдаланиш бўйича мижозларга таклифлар бериб бориш ва бу борада ходимлар малакасини ошириш;
- хорижий банклар билан банклараро ҳамкорликни кучайтириш ва вакиллик муносабатлари ўрнатилган банклар сонини ошириш;
- хорижий давлатларнинг етакчи банкларида хорижий валюталарда ҳисобрақамлар очиш;
- маҳаллий ва хорижий банклар учун Банқда хорижий ва миллий валютада ҳисобрақамлар очишни таклиф қилиш ва бу орқали хизмат кўрсатилаётган банклар сонини ошириш;
- ўрнатилган вакиллик муносабатлари орқали мижозларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини юритишлари учун кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиш;
- ташқи савдо билан боғлиқ лойиҳаларни қисқа ва узоқ муддатли молиялаштириш учун янги хорижий кредит линияларни жалб қилиш ва мавжудлари бўйича лимитларни ошириш.

- асосий экспортер мамлакатлардаги экспортни қўллаб қувватлаш агентликлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва уларнинг банкка ажратган лимитлари доирасида кредит линияларини жалб қилиш амалиётини кенгайтириш.

2022 йил давомида Банк томонидан халқаро молия институтлари ва чет эл банкларининг кредит линияларини ҳамда савдони молиялаштириш линияларини жалб қилишнинг асосий йўналишлари қуидагилардан иборат:

- Европанинг етакчи банклари ҳисобланган «ODDO BHF» (Германия), «HELABA» (Германия), «Sparkasse» (Германия), «Credit Suisse» (Швейцария), «UBI Banca» (Италия), «Bank of China» (Хитой), «Agricultural bank of China» (Хитой), «China Eximbank» (Хитой)ларидан умумий **90 млн. АҚШ доллари** қийматидаги кредит линияларини жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш;

- Халқаро савдони молиялаштириш Ислом корпорациясининг **15 млн. АҚШ доллари** миқдорида савдони молиялаш линиясини жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш;

- Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорациясидан шариат қоидалари асосида молиялаштириш линиясини жалб қилиш.

- Осиё тараққиёт банки, Азия-Инвест банк, «ODDO BHF» (Германия), «HELABA» (Германия), «Sparkasse» (Германия) ва «Commerzbank AG» банкларининг савдони молиялаш бўйича мавжуд лимитларини ошириш.

- Мижозларнинг импорт шартномаларини молиялаштириш ва банкнинг Савдони молияштириш хизмати портфелини янада ошириш учун қулай шартлардаги Савдони молиялаштириш линияларини жалб қилиш.

2022 молиявий йил давомида **90 млн. АҚШ доллари** миқдоридаги узоқ муддатли хорижий кредит линиялари ҳамда **30 млн. АҚШ доллари**га тенг бўлган савдони молиялаштириш линиясини жалб қилиш режалаштирилмоқда.

## 9. Ғазначилик фаолияти

2022 йилда Банк ресурс базасини мустаҳкамлаш, ресурс база таркибидаги узоқ муддатли ресурслар улушини мунтазам равища ошириб бориш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган ликвидлилик кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, ўзаро банклараро муносабатларни юқори даражага олиб чиқиш, Банк активлари ўсишига мутаносиб равища юқори ликвидли активлар захирасини ошириб бориш устувор вазифалардан этиб белгиланди.

Бунинг учун 2022 йилда Банк томонидан қуидаги асосий вазифалар бажарилиши белгилаб олинди:

- ликвидлилик кўрсаткичларини доимий равища таҳлил қилиб бориш ва ушбу кўрсаткичларга алоқадор тегишли таркибий бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

- Банкнинг бошқа банклар билан банклараро пул бозоридаги (банклараро депозитлар, валюта сотиб олиш ва сотиш, нақд пул ва х.к.) ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

- банк активлари таркибида юқори ликвидли активлар улушини ошириб бориш, хусусан, даромад келтирувчи юқори ликвидли актив ҳисобланган давлат қимматли қоғозларини 2022 йил охиригача **700,0 млрд. сўмга** етказиш.

## 10. Рақамли банк хизматларини көнгайтириш

2022 йилда рақамли банк хизматларини ривожлантириш, банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларни жорий қилиш, мавжуд хизматларни ахборот-коммуникация технологияларидан көнг фойдаланган ҳолда замонавий хизматларга айлантириш, банк даромадлилигини ошириш ҳамда Банкни республиканинг энг илғор банклари қаторидан жой олишини таъминлаш мақсадида қуидаги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган:

- «Payment aggregation system» оператори билан ҳамкорликда электрон пуллар эмиссиясини йўлга қўйиш;
- ҳалқаро тўлов карталарининг онлайн эквайрингини йўлга қўйиш ҳамда хорижий валютадаги «E-POS» терминаллари тармоғини көнгайтириш;
- масофадан туриб мижозни идентификация қилиш (**FACE-ID орқали**) тизимини яратиш ва мижозларни биометрик идентификация қилиш орқали уларга шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз хизмат кўрсатишни жорий этиш;
- мижозларга масофадан туриб электрон ҳамён очиш ва ҳамён орқали онлайн амалиётларни амалга ошириш имкониятларини яратиш;
- сотувчи ва харидорлар учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни сотиш ва улар ўртасида ўзаро кооперацияни йўлга қўйишга кўмаклашадиган маҳсус дастурий тизим – **«Маркетплейс»** савдо платформасини яратиш;
- юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолдаги табдиркорлик субъектларини онлайн равишда давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга онлайн ҳисобрақам очишни жорий этиш;
- **«Aloqa business»** мобил иловасини дизайнини, фронт ва бекенд қисмларини такомиллаштириш орқали онлайн рўйхатдан ўтиш имкони берувчи янги талқинини ишлаб чиқиш;
- **«Zoomrad»** мобил иловасида операциялар тарихи ҳамда тўловлар мониторинги бўлимларини бирлаштириш ҳамда ушбу бўлимлардаги маълумотларни мувофиқлаштириш
- **«Zoomrad»** мобил иловасида тўлов амалга ошириш мумкин бўлган янги мерчантларни қўшишнинг конструктив моделини ишлаб чиқиш;
- **«Zoomrad»** мобил иловасида хорижий Visa карталарига онлайн пул ўтказмалари – **«Visa Direct»** тизимини йўлга қўйиш;
- **«Zoomrad»** мобил иловасида онлайн кредит скорингини жорий этиш ва онлайн равишда кредит маҳсулотларига буюртма бериш;
- **«Humo»** ва **«Uzcard»** карталари орқали Россия Федерациясининг Сбербанк, ВТБ банклари (ҳамда Почтабанк бўлинмалари орқали) карталарига онлайн ўткамазларни (P2P) амалга ошириш;
- хорижий электрон ҳамёнлар билан интеграция қилиш орқали ушбу ҳамёнларни идентификация қилиш, тўлдириш ва банк томонидан эмиссия қилинган электрон пулларга айирбошлаш имкониятини яратиш;

## **11. Банк рискларини бошқариш**

2022 йилда Банқда трансформацион ўзгаришларни амалга ошириш, банк хизматлари кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини янги босқичга олиб чиқиш, банк активларини барқарор ўсишини таъминлаш ва рентабеллигини ошириш жараёнида уларнинг рискларини минималлаштириш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Кўрсатиладиган банк хизматлари турлари ҳамда кўламининг ошиши натижасида банқда юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг хилма-хиллашувини инобатга олган ҳолда рискларни бошқаришда замонавий усул ва технологияларни жорий этиш режалаштирилган.

Рисклар бошқарувини такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- ликвидлилик рискларини олдини олишда халқаро амалиётда қўлланилаётган, мамлакатимиз банк тизимида ҳозирча мурожаат қилинмаган инструментларни синовдан ўтказиш, миллий иқтисодиётимиз ва банк тизимининг ўзига хосликларидан келиб чиқсан ҳолда мақбул инструментларни амалиётга жорий этиб бориш;

- номувофиқлик рискларини олдиндан аниқлаш ва минималлаштириш бўйича таъсирчан чоралар кўриш бўйича мавжуд амалиётни такомиллаштириш;

- кредит рискларини баҳолашда ҳар бир лойиха учун хос бўлган индивидуал рисклар, тармоқ рисклари, қўлланилаётган инструментга хос бўлган рисклар каби кредит риски қуий типларидан фойдаланишни кенгайтириш;

- Банк фаолиятида юзага келган операцион рисклар, ўрганишлар, хусусан, ички аудит томонидан ўтказилган текширув натижаларига кўра аниқланган камчиликлар бўйича статистик маълумотлар базасини шакллантириш ва улар асосида риск-харитасини такомиллаштириб бориш;

- рискларни бошқаришда инсон омилини чеклаш бўйича ижобий тенденцияни сақлаб қолган ҳолда, банк рискларининг жорий ҳолати ва бошқарилиш истиқболлари тўғрисида тугал хулоса қилишга имкон берувчи ахборотлар (ҳисобот шакллари) комплексини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш;

- банк рискларини баҳолашда стресс-тестлаш амалиётидан кенг фойдаланиш, стресс-тестлаш бўйича ҳозирда мавжуд сценарийларни Банк стратегияси ҳамда макроиқтисодий тенденциялардан келиб чиқсан ҳолда прагматик сценарийлар билан бойитиб бориш.

## **12. Ходимлар билан ишлаш**

Банк ходимлар салоҳиятини ошириб бориши белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишнинг асосий шарти сифатида кўради. Банк ходимлари меҳнатининг самарадорлигини ошириш, ўрта бўғин раҳбарлари ҳамда мутахассислар ваколатини кенгайтириш ходимларни бошқариш тизимининг олдига янги мақсад билан бир қаторда бошқа долзарб вазифалар қўйилишини тақозо этади.

Хорижий тажриба ва Базель талабларидан келиб чиқиб, Банкнинг HR тизими ишлаб чиқилиб 2022 йилдан амалиётга татбиқ этилиши кўзда тутилган.

2022 йилда ходимлар малакасини доимий ошириб бориш ва ходимларни муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш муҳим йўналиш сифатида белгиланди. Бунинг учун қуидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтидорли ёшлар ва юқори малакали IT-ходимларини Банкка ишга жалб қилиш;
- ходимлар фаолиятининг самарадорлигини Банкнинг стратегияси, бизнес-жараёнлари ва мақсадларни амалга оширилишидан келиб чиқиб KPI-кўрсаткичлари асосида баҳолаш;
- Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқа таълим муассасалари билан яқин академик алоқаларни йўлга қўйиш;
- МДҲ ва Шарқий Европа давлатларининг банк ва молия соҳасидаги кўзга кўринган мутахассислари билан режа асосида тренинг, вебкаст ва мастер-класслар ташкил этиш;
- Банк Корпоратив академия онлайн-платформасини яратиш ва уни сифатли контент билан бойитиб бориш;
- соҳадаги илғор профессор-ўқитувчилар ҳамкорлигига (шартнома асосида) онлайн ва оффлайн тренинг, вебкаст ва маҳсус курсларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни видеога ёзиб, платформага юклаб бориш;
- Банкнинг илғор ва тажрибали ходимлари билан ҳамкорлиқда «Лидерлар лидерларни ўқитади» дастури доирасида тренинглар, курслар, ўқув машғулотлари ва вебкастлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни платформага мунтазам жойлаштириб бориш;
- режа асосида Банк ходимлари учун мамлакатимиздаги етакчи психологлар билан ҳамкорлиқда мотивацион-психологик тренинглар ташкил этиш;
- таълимга сармоя киритиш орқали Банк тизимини малакали кадрлар билан бутлаш ҳамда кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида молия-банк йўналиши бўйича таҳсил олаётган иқтидорли талабалар учун Банк стипендиясини жорий этиш.

### **III. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА)**

2022 йилда Банк олдига қўйилган устувор вазифаларнинг бажарилиши натижасида асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, 2022 йилда банк даромадини **1,12 баробарга** ўсишини таъминлаган ҳолда, **1 808,0** млрд. сўмга етказиш режалаштирилди. Даромадларнинг **1 288,0** млрд. сўми (71,2 фоизи) фоизли даромадлар, **520,0** млрд. сўми (28,8 фоизи) фоизсиз даромадлардан ташкил топади.

2022 йилда жами **1 588,0** млрд. сўмлик банк харажатларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг **698,7** млрд. сўми фоизли харажатлар, **273,8** млрд. сўми фоизсиз харажатлар ва **615,5** млрд. сўми амалиёт харажатларидан иборат бўлади.

Банкнинг соф фойдаси 2022 йил учун – **220,0** млрд. сўм миқдорида белгиланган.

Натижада Банкнинг капитал рентабеллиги кўрсаткичини (ROE) – **12,8** фоизга ва банк активлари рентабеллиги кўрсаткичини (ROA) – **2** фоизга етказиш режалаштирилди.

### **IV. БИЗНЕС-РЕЖАНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

Банк бошқаруви бизнес-режани амалга ошириш учун масъул ижро этувчи орган. Режаларни амалга ошириш учун таркибий бўлинма раҳбарлари ўз йўналиши бўйича жавобгардир, худудий таркибий бўлинмалар раҳбарлари бизнес-режанинг белгиланган кўрсаткичларини амалга ошириш учун жавобгардирлар.

Бизнес-режанинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида Банк Бошқаруви ҳар чорақда Кузатув кенгашига бизнес-режада белгиланган вазифаларни бажарилиши бўйича ҳисобот тақдим этади.

Бизнес-режа бажарилишини мониторинг қилиш мақсадида **Colvir MIS** «Бюджетлаштириш» ахборот-таҳлилий бизнес-модели ишга туширилди. Ушбу дастур орқали Бизнес-режа кўрсаткичларини шакллантириш, мониторинг ва таҳлил қилиш, ҳисоботлар тайёрлаш Молиявий таҳлил ва стратегия департаменти томонидан амалга оширилади.

Бизнес-режа бажарилишини таъминлашнинг асосий воситаси худудий таркибий бўлинмалар ва КХКМларининг натижавий кўрсаткичларига кўра KPI-тизими асосида рағбатлантирилади. KPI-тизими бизнес-режани амалга ошириш, шунингдек мониторинг ва назорат қилиш учун қулай восита ҳисобланади.

Бизнес-режанинг бажарилишини тизимли назорат ва мониторинг қилиш, банкнинг устувор вазифалари ва асосий мақсадларига эришиш имконини беради.